



Савол:

Ассалому-алайкум АЛЛОХ йўлида ушбу сайтни олиб борувчу акалар мен сизларга бу хатни ёзишимни сабаби шуки, кимки мени интернетни яхши билишимни билиб, бундан "интернетдан" куръон эшитса ва ундан ёзиб олса бўладими деб сўрашади лекин сизларни саҳифангизда буни кўчириб олиш яъни тижорат йўлида фойдаланиш мумкин эмас деган мисрангизни ўқигандим. Уни кандок тушунамиз чунки, кимки ўзига ёзиб олса, ундан бошкаси олса, ҳам бу тижорат бўлиб қоляпти кейин буни таркатиш йўли ҳам тижорат бўлиб қоляпти, ваҳоланки бундай тўлик курон бизнинг диёрда кам. Бу сайтда эса неча хил кироат ва аудио ҳолатда эшитиш мумкин бу саволимизни ўқиб тушинасиз деган умид билан бир ожиз мухлисингиз Абдулазиз Аллох ўзи яхши ишларингизга ҳамроҳ бўлсин! Амин

Жавоб:

Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳи ва барокатух. Агар сайтимиз орқали бирон аудиони тушириб олинса уни Аллох йўлида таркатиш мумкин, масалан тўла бир кироат тушириб олинди дейлик, уни бир дискка ҳам ёзилди. Энди шу кироат ёзилган дискдан бирор киши талаб қилса ёзиб берувчи одам худо йўлида ёзиб бериб фақат курук дискнинг хақини олса бўлади. Битта диск арзимаган пул туради 400 сўм 600 сўм боринг 1000 сўм. ёзиб берувчи шундан ортик пул олиши ХАРОМ. Чунки бу ишлар осонликча қилинган эмас, буларнинг ўз эгалари ва ҳуқуқлари бор. Худодан кўркмайдиган одам бу қаби тижоратларни қилаверсин, эртага қиёмат кунда ҳақлар фақат амаллар билан тўланадиган ва қочиб қутулиб бўлмайдиган кунда бу нарсанинг ҳақки унинг қилган яхши амалларидан олиниб, агар яхши амали бўлмаса ҳақ эгасининг ёмон амалларидан бунга олиб бериш



Ислом Нури

Сайтингиздан аудио тушириб олиш ва ундан бировларга нусха килиб
бериш мумкинми? | 2

билан хаки тўланади. Бу жуда хам огир иш агар акллилар аклини
ишлатадиган бўлса.